Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 51 (7191). ● 12 март, 1980 йил ◆ ЧОРШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

БАҲОР ТАРАДДУДИ

Ўтган йили «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхози сабзавоткорлари давлатга 14,1 минг тонна сабзавот маҳсулотлари сотиб, Тошкент районида энг юқори натижага эришдилар. Розиқ Худойбердиев бошлиқ бригада аъзолари 30 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 313 центнердан ҳосил олдилар. Ялпи ҳосил минг тоннага етди. Помидорнинг ҳар гектаридан 40 тоннадан, сабзидан 18,5 тоннадан ҳосил йиғиб олинди. Собир Эргашев, Эътибор Ирисбекова ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам анча дуруст натижага эришилди.

Лекин колхоз бўйича ҳар гектар ердан олинган сабзавот ҳосили 225 центнердан ошмади. Бу кўрсаткич район даражасидан 37 центнер камдир.

Колхозда 28 та сабзавотчилик бригадаси бор. Лекин барча бригадаларда ҳам сабзавот етиштиришда дуруст натижаларга эришилмади, деб бўлмайди. Саккизта бригадада сабзавотдан олинган ҳосил колхоз даражасидан ҳам анча паст. Колхоз бош агрономи Исмат Асатовдан сўрадик.

— Ҳақиқатан ҳам биз мақтана олмаймиз. Районимиздаги кўпгина хўжаликларда сабзавотдан анча юқори ҳосил олиняпти. Ўтган йили ҳосилдорлик паст бўлган бригадаларда айни ҳосил пишиб етилиши пайтида шу бригадаларнинг экинини дўл уриб кетди. Айниқса, бодринг палакларига катта шикаст етказилди. Шу туфайли бу бригадаларда ҳосилдорлик паст бўлди. Агар улар ҳам колхоз даражасида ҳосил берганида қўшимча 300 тонна маҳсулот олинарди. Колхозда ҳосилдорлик камида 4—5 центнерга ошарди.

Хўжаликда 325 гектар ерда картошка етиштирилмоқда. Лекин бу соҳадаги ишлар ҳам қувонарли эмас. План бўйича ҳар гектаридан 11 тонна, жами 3575 тонна ҳосил олиш керак эди. Амалда эса ҳар гектар ерга 3 тоннадан картошка уруғи экилиб, 8,7 тоннадан ҳосил олинган. Ялпи ҳосил 2787 тонна ёки планда белгиланганидан 791 тонна кам бўлди.

Хўш, ўтган йили юз берган бу аҳволдан колхозда қандай хулоса чиқариляпти? Юз берган камчиликларни такрорламаслик, ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида янги марраларни эгаллаш учун қандай амалий иш қилиняпти?

Бу ҳақда колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турғун Мирзаев шундай дейди:

— Ўтган йилги ишимиз ҳақиқатан ҳам ўзимизни қаноатлантирмади. Иўл қўйилган камчиликлар колхознинг умумий мажлисида, правление йиғилишларида ҳар тарафлама муҳокама қилинди. Нуқсонларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди. 1980 йилда мўл ҳосил етиштириш юзасидан улкан мажбуриятлар қабул қилинди.

Колхоз сабзавоткорлари бу йил 17 минг тонна сабзавот, 5175 тонна картошка, 1560 тонна узум, 1400 тонна мева ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни мўлжаллашмоқда. Бунинг учун қишлоқ меҳнаткашлари бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Кузда 100 гектар ерга пиёз, 20 гектарга сабзи, 20 гектарга лавлаги, 10 гектар ерга саримсоқ пиёз экиб қўйилган. 200 гектар майдонга эртаки картошка, 350 гектар ерга сабзавот экиш планлаштирилган, эгатлар олиб қўйилган.

Ҳозир парник хўжалигида ҳам иш қизғин. Бу ерда 7 миллион тўп карам кўчати тайёрланди. Бу кўчатлар 12 гектар ерга плёнка тагига экилди. Парникларга сепилган 80 килограмм помидор уруғи қийғос униб ўсмоқда.

Экинларни озиқлантириш учун 250 тонна минерал ўғит ташиб олинган. 8 минг тонна ўғир жамғарилган. Хуллас, колхоз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни такрорламаслик учун самарали меҳнат қилиб, мўл-кўл сабзавот, мева, узум етиштириш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Чигит экиш мавсумининг бошланишига саноқли кунлар қолди. Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхози деҳқонлари бу мавсумга пухта ҳозирлик кўриб қўйдилар. Суратда: 1-бўлим бошқарувчиси А. Омонбоев механизатор Б. Мўминов билан техника ремонти ҳақида суҳбатлашмоқда.

П. Эргашев фотоси.

ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

УЛУҒ доҳий В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун бораётган умумхалқ социалистик мусобақасида Келес-дагги 7-ғишт заводлари бошқармаси коллективи ҳам фаол қатнашмоқда.

Йил бошидан социалистик мусобақанинг авж олдирилиши, унинг оммавийлиги ва ошкоралигини таъминлаш, меҳнатни пухта ташкил этиш яхши самара бермоқда. Ғишт ишлаб чиқариш давлат планлари ой сайин тўла адо этиляпти. Ўтган икки ойда 7 миллион донадан кўпроқ қимматли бинокорлик материаллари тайёрланди ва қурилишларга юборилди.

Коллектив эришаётган бу ютуқларда ғишт-қолиплаш ва пишириш цехлари ишчиларининг муносиб ҳиссалари бор. Улар иш вақтидан унумли фойдаланиш, илғор усулларни қўлланиш туфайли юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Бу цех ишчиларидан З. Муртазина, Т. Шайдулина, М. Шайхисломовалар кунлик нормани бажаришда касбдошларига намуна бўлишяпти.

Т. ЖУРАЕВ.

19 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

АНЪАНАГА САДОҚАТ

Республикамиз пойтахтининг кекса корхоналаридан бири Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва Октябрь революцияси номли теплоход ремонти заводи коллективи Ленин районидаги корхоналари ўртасида биринчи бўлиб, москволиклар ташаббусига қўшилди. Ремонтчилар халқимизнинг бу ажойиб анъанаси ҳар томонлама самарали ўтиши учун қатор тадбирларни белгиладилар ва амалга оширмоқдалар.

Умумхалқ ҳашари куни 1500 дан зиёд ишчи ва хизматчи бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Корхона бўйича 70 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланади. Ушбу анчагина қисми шанбаликка тайёргарлик давомида тежаб қолинган материаллар ҳисобига ишлаб чиқарилади.

Корхонада кўпгина ишчилар шу куни норманинг 1,5—2 ҳиссадан бажариш мажбуриятини олишди. Улар орасида ишлаб чиқариш илғорларидан О. Фозилов, О. Ҳасанбоев, А. Баранов, Л. Герман, В. Сирокин, Қ. Қорабоев ва бошқалар бор.

Райондаги бошқа корхоналар коллективлари ҳам Қизил шанбаликка пухта тайёргарлик кўришяпти. 18 та саноат корхонаси шу куни ҳаммаси бўлиб 1 миллион 130 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу маҳсулотнинг 200 минг сўмлиги тежаб қолинган материаллар, ҳом ашё ва электр энергияси ҳисобига тайёрланади.

Район территориясида кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилади. Жумладан, 22 минг туп дарахт ва гул кўчатларни экилади. Сув оқадиган барча ариқлар тартибга келтирилди. Янги-янги ҳиёбонлар ташкил этилади.

С. СУЛТОНОВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида катта муваффақиятларга эришганлиги, 1979 йилда дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгиланган планлар ва социалистик мажбуриятларни бажаришдаги шавкатли меҳнати учун Қозоғистон ССР, Ўзбекистон ССР, Озарбайжон ССР, Грузия ССР, Туркманистон ССР, Молдавия ССР, Тожикистон ССР, Литва ССР, Арманистон ССР, Эстония ССР, шунингдек РСФСРдаги Оренбург, Омск, Челябинск, Амур, Москва, Свердловск, Брянск, Калинин, Ленинград, Вологда, Калининград, Камчатка, Сахалин областлари, Доғистон АССР, Шимолий Осетия АССР, Чечен-Ингушия АССР, Карелия АССР, Хабаровск ўлкасининг, Украина ССРдаги Хмельницкий, Тернополь, Ровно, Черновци, Львов, Волин, Ивано-Франковск, Закарпатье областларининг ва Белоруссия ССРдаги Брест областининг алоҳида ўрнак кўрсатган колхозчилари, совхоз ишчилари, хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларини, тайёрлов, транспорт, мелиорация ташкилотлари, давлат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш техника таъминоти Давлат комитети корхоналари ходимларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол органларни ходимларини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

Мукофотлаш тўғрисидаги фармонлар «СССР Олий Совети ведомостлари»да, республика, ўлка ва область газеталарида эълон қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

10 мартда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов озодлиги демократик фронтининг Бош секретари Наеф Хаватма бошчилигидаги шу ташкилот делегациясини қабул қилди. Делегация Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди.

Бўлиб ўтган суҳбат давомида Ш. Р. Рашидов республика меҳнаткашларининг ленинча миллий сиёсат, КПСС XXV съездининг тарихий режалари амалга оширилаётганлиги туфайли хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари тўғрисида сўзлаб берди. Ўзбекистон меҳнаткашлари ўртоқ Л. И. Брежнев Бауман округи сайловчилари ҳузурида сўзлаган нутқида ўртага қўйган вазифаларни ҳал этиш борасида илҳом билан ишламоқдалар. В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигини муносиб нишонлашга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, меҳнаткаш зиёлилари ҳам КПССнинг доно тинчликсевар ташқи сиёсатини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар, ҳамма империализмга қарши курашда ўз мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган барча халқлар томонидадирлар. Бу сиёсат чуқур интернационал сиёсат бўлиб, уни бутун тараққийпарвар инсоният маъқулламоқда. Бу сиёсат Совет Иттифоқи дўст Афғонистонга кўрсатган ва кўрсатаётган ёрдамида ҳам намоён бўлди.

Ш. Р. Рашидов араб халқлари Совет Иттифоқи тимсолида ҳамиша содиқ ва ишончли дўстга эга бўлганликларини таъкидлаб, Фаластин масаласи бутун Яқин Шарқ проблемасининг ўзаги эканлигини уқтирди. Совет кишилари Фаластин халқига хайрихоҳдирлар. Ўртоқ Л. И. Брежнев бир неча марта таъкидлаб ўтганидек, фаластинликларнинг ҳаққоний ишини қўллаб-қувватлаш арабларнинг манфаатларига хилоф бўлган сепарат битимлар сиёсатига қарши, можаронинг ҳар жиҳатдан бартараф этилиши ҳамда Яқин Шарқда адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатилиши учун курашаётган Совет Иттифоқининг ўзгармас йўлидир.

Наеф Хаватма самимий кутиб олинганликлари ва дўстона суҳбат учун сидқидилдан миннатдорчилик билдирди, КПСС ва Совет давлатининг изчил тинчликсевар ташқи сиёсати аҳамиятини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг бутун дунёда тинчликни янада мустаҳкамлаш бўйлидаги курашга қўшган шахсий ҳиссасини юксак баҳолади. Ўзбекистоннинг муваффақиятлари, деди делегация бошлиғи, холис ниятли барча кишиларни қувонтирмоқда ва илҳомлантирмоқда. Ана шу муваффақиятлар илғари қолоқ бўлган халқлар қандай чўққиларга эриша олишларини яққол кўрсатиб турибди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири Ҳ. Р. Раҳимов, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Ўзбекистон комитетининг раиси Т. А. Саримсоқов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ТАШАББУС ҚУЛОЧ ЁЙМОҚДА

ЧИРЧИҚ пойафзал фабрикасининг А. Фурштова мастерлик қилаётган тикувчилик участкаси коллективи улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига юксак социалистик мажбуриятлар олиб ишламоқда. Пойафзалчилар бу улуғ санани тўрт сйлик ишлаб чиқариш планини бажариш билан нишонлашга аҳд қилишган эди. Бу ташаббусни Чирчиқ шаҳар партия комитети маъқуллади ва уни кенг ёйиш юзасидан амалий тадбирлар белгилади.

Ташаббускорлар ўз ваъдаларини шараф билан адо этишяпти. Ишлаб чиқариш топшириқларини ой сайин анча зиёдаси билан бажармоқдалар ва фақат сифатли маҳсулот беришяпти. Уларнинг бу ташаббусига корхонадаги қатор участкалар коллективлари ҳам қўшилишди. Бу ҳаракатда иштирок этаётган Г. Алимзетов ва Н. Поповлар бошчилигидаги участкалар пойафзалчилари топшириқни доим ортиғи билан адо этишяпти. Улар ўнинчи беш йиллик топшириғини бажариш ҳақидаги ваъдаларининг устидан чиқишяпти. Бу участкалар коллективлари ҳозиргача пландагидан ташқари 3 минг жуфт пойафзал тайёрлашди. Улар яна қўшимча 5 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқаришга эришиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Корхонамизда А. Фурштова бошлиқ участка коллективи ташаббусини кўпгина бошқа пойафзалчилар ҳам қўллаб-қувватлашди.

Х. ЖАМОЛИДДИНОВА,
фабрика технологи.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Москваликларнинг ташаббусига ялпилик билан қўшилган Бекобод районидаги меҳнаткашлари ҳам доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига ўтказиладиган Бутуниттифоқ шанбаликка яхши ҳозирлик кўрмоқдалар. Айниқса, райондаги «Ташводстрой» трестига қарашли ихтисослашган, механизациялашган 6-кўчма колонна ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимлари шанбаликка пухта иш режалари тузиб, яхши ҳозирлик кўрмоқдалар.

19 апрель куни бу ерда 13 минг 373 сўмлик иш бажаришиб, беш йиллик фондига ўтказилади. Шанбаликда 250 киши иштирок этади.

— «Қизил шанбалик» куни, — дейди колонна бошлиғи ўртоқ В. Парпихўжаев, — ҳар бир ишчи ўз кунлик топшириғини 1,5—2 ҳисса бажаришга аҳд қилган. Ўша куни механизаторларимиз райондаги Навоий номли, «Победа» колхозлари «КПСС XXV съезди» ва Ойбек номли совхозларда ерларни капитал текислаш ишларини олиб борадилар. Экскаваторчиларимиз зовурларни тозалаш, бетончиларимиз каналларга «тўн» кийдириш билан банд бўладилар.

Колонна ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимлари шанбаликни ҳамжиҳатлик билан меҳнат байрамига айлантириш учун пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Ф. ЗИЕДУЛЛАЕВ,
Бекобод райони.

Латофат Валихонова «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор тўқувчиларидан бириди.

Моҳир чевар айни кунларда келгуси беш йиллик ҳисобига ишламоқда ва юқори сифатли маҳсулот бермоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

БУРИЛИШ

КУНДАЛИК турмушимизни нонсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, 4-нон заводини ҳам илғорларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Намуна кўрсатиб меҳнат қилаётган пешқадам бригадалардан бири — Шаҳзия Акикова бошлиқ коллективдир. Бу бригада асосан ёшлардан ташкил топган бўлиб, ишлаб чиқаришда ҳам ёшларга хос жўшқинлик кўрсатишмоқда. Нафсиламбирини айтганда, бу кичкина коллективнинг шуҳрат қозона бошлаганига кўп ҳам бўлгани йўқ. Унинг шаънига тамғаланган «қолоқ» сўзи ўрнига «илғор» сўзи чиққунга қадар эса кўпгина ишларни амалга оширишга тўғри келди. Бу эса бригада бошлиғи, мастер Шаҳзия Акикова ва бошқа кўп тажрибали айрим ишчиларнинг номи билан боғланиб кетади.

— 1975 йил Самарқанддаги озиқ-овқат техникумини тамомлаб, Тошкентга йўлланма олганимда, бораман-да ишлаб кетавераман, деб жўнгина ўйлагандим. Йўқ, қатор муаммолар кундаланг турган экан, — деб эслайди Шаҳзия — нонларнинг сифатсиз пиширилиши ва ишлаб чиқариш планининг бажарилмаслиги мен бошлиқ қилиб тайинланган бригаданинг кундалик одати бўлиб қолган эди. Тез-тез бўлиб турадиган йиғилишларда бу ҳақда эслатилар, турли чоралар кўрилар, лекин натижа кўзга кўринавермасди. Хўш, бунинг сири нимада, наҳотки вазиятни ўзгартириб бўлмаса?

Худди ўша савол унинг бошини қотирганида тажрибали ишчилардан Ф. Первухина ва Н. Остроуховалар ёрдамга келишди. «Аввало ишни коллективда тартибинтизомни мустаҳкамлашдан бошлаш керак» дейишди. Интизом бўлмаган жойда, ҳеч қачон унумли меҳнат бўлмайди. Ёшлар ўртасида бўлиб турган прогуллар ва ишга лаёқатсизлик, масъулиятни сезмаслик каби нуқсонлар олга боришга жиддий тўсқинлик қилмоқда эди.

— Аввал бошда кескин чоралар қўллаб кўрдик, — дейди суҳбатни давом эттириб Шаҳзия. — Бундан айтарли натижаларга эриша олмадик. Чунки, ҳар бир ишчи ўзига хос олам, унинг ички дунёсини билмай туриб бирон чора қўллаш кўпинча ишчининг кетиб қолиши билан якунланар эди. Бу, турган гап, коллектив учун катта йўқотиш эди.

У прогулчи ва лаёқатсиз ишчилар билан алоҳида иш олиб борди. Уларнинг характерини ўрганишга ҳаракат қилди. Сабабсиз тасодиф бўлмаганидек, ўша нуқсонли ишчиларнинг шахсий ҳаётида қандайдир нотекислик мавжудлигини ва бу ҳол, ишга салбий таъсир этиб, ишчида ноҳуш қайфиятлар уйғотиб, унинг қўлини боғлаб турган бўлиши мумкинлигини англади. Коллектив равишда иш олиб бориш ва мазкур ишчига биргаликда таъсир қилиш, яъни «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун» шиорига амал қилина бошлади. Коллективнинг илиқ тафтини ҳис қилган ишчи тезда ўзини тутиб олади ва кўпчиликнинг ишончини қозонишга ҳаракат қилиб қолади. Бу инсонга хос хусусиятдир. Бу ҳақда Шаҳзия қуйидагиларни ҳикоя қилди:

— Кенжа Наврўзовни оддий мисол қилиб олсак бўлади. Ҳозир заводимиз коллективи ўртасида ҳам илғор саналган бу ишчи дастлаб ишга кирган кезлари тез-тез прогул қилиши билан «танилган» эди. Уни ўргандик. Масала ойдинлашди. Етоқхонадан жой ололмаганидан ва ёмон шароитдаги квартирада яшаганлиги туфайли бу йигитда ҳафсаласизлик ва лаёқатсизлик каби кайфиятлар туғилган. Албатта, турар-жой нақд бўлмаганидан сўнг, ҳар қандай одамда ҳам шу кайфият бўлиши турган гап. Завод маъмурияти ва коллективимиз бу иш билан жиддий шуғулланиб у ётоқхона билан таъминланди. Ҳозир у пешқадам ишчи.

Ҳа, одамларга ҳар хил ғидошиш керак, чунки улар турли характерга эга. Шаҳзия буларга эришди. Натижада меҳнат унумдорлиги анча ошди. Маҳсулот сифатида кескин бурилиш ясалди. Аввалари буриниб-тиришиб нон дўконларида ётадиган ва яна заводга қайтиб келадиган нонлар миқдори камайди. Бора-бора сифатсиз нон пиширишга ва мулзам бўлиш ҳоллари кечаги ўтмиш бўлиб қолди. Зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган 14 кишилик бу бригада коллективи айни кунларда заводда илғор саналмоқда. Ўтган ўтган ҳар куни планда белгиланган 9,5 тонна маҳсулот ўрнига 10—10,5 тонна маҳсулот тайёрлашяпти. Маҳсулотнинг 98,9 процентга юқори сортли ташкил этмоқда. Бригаданинг илғор пиширувчилари Н. Остроухова, Ф. Первухиналар сафига ҳамир қорувчилардан Ш. Тоҳирова, Н. Кабаева ҳамда машинист О. Мирзаевалар келиб қўшилди. Бу царса нон пиширишнинг бугун системасини аъло даражада бошқариш ва узлуксиз меҳнат тақсимотини яхши йўлга қўйишга сабаб бўлди. Натижада кунлик топшириқ ортиғи билан адо этилмоқда.

Шаҳзия қизариб пишган буханка нонларни кўздан кечираркан, юзида табассумга ўхшаш кулги зоҳир бўлди. Бу меҳнатдан мамнунлик аломатидир. Ҳозиргина печкадан чиққан нонлар пешма-пеш машиналарга юкланмоқда. Улар шаҳарликлар дастурхонини безайди.

Биз 4-нон заводининг кичкина бир коллективи тўғрисида ҳикоя қилдик. Шаҳзия Акикова бошлиқ бу бригада заҳматкашлари пиширяётган биринчи сортли оқ буханка ва қора буханка нонлардан танаввул қилган ҳар қандай одам бу кўли гул пазандаларга раҳмат айтиши турган гап. Қолоқликдан илғорликка чиқиб олган коллектив янги йилни янги меҳнат зафарлари билан бошлади.

Н. НОРҚОБИЛОВ,
ишчи.

ЛАВҲА

БУРҒОЧИБОҚАРЛАР ҒАЙРАТИ

ҒАЛАБА районидаги «Коммунизм» совхозининг чорвадорлари доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллик юбилейи кунигача давлатга гўшт топшириш бўйича ярим йиллик планни бажаришга аҳд қилдилар.

Чорва молларини бўрдоқига боқишда тажрибали молбоқар Қ. Хоназаров айниқса ғайрат қилаяпти. Қорамолларни кунига 1100—1200 граммга семиртиришни таъминламоқда. Моҳир бўрдоқибоқар давлатга топширган қорамолларнинг ўртача тирик вазни 509 килограммга етди.

Шу райондаги Волков номли совхоз бўрдоқибоқарлари ҳам ғайрат қилмоқдалар. Улар бу йил давлатга 300 тонна гўшт топшириш учун курашишяпти.

Ў. МАҲКАМОВ,
Ҳ. ТЎКАЕВА.

ТЕЖАЛГАН МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИГА

ЧИРЧИҚДАГИ «Электромонтаж» бошқармаси коллективи областимизда қатор муҳим объектлар қурилишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар бу қурилишларда электр асбоб-ускуналарини, нур узатиш линияларини монтаж қилиш билан шуғулланиб, деярли барча топшириқларни зиёдаси билан бажармоқдалар.

Монтажчилар ўнинчи беш йиллик сўнгги йилининг ўтган икки ойида ҳам яхши меҳнат натижаларига эришишди. Давлат плани анча зиёдаси билан адо этилди. Қўшимча 50 минг сўмлик монтаж ишлари амалга оширилди.

Шу кунларда бошқарма коллективи Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Бунёдкорлар умумхалқ ҳашари куни барча ишларни асосан тежаб қолинган материаллар ҳисобига амалга оширишмоқчи. Шунинг учун ҳам барча ишчи-хизматчилар тежамкорликка катта эътибор бериб, бирон метр ҳам кабелнинг беҳуда нобуд бўлишига йўл қўймасликка ҳаракат қилишяпти.

А. ПОРТНОЙ.

ДАШТДА ДОВОН ОШГАНЛАР

БИР томони Қурама тизма тоғлари, иккинчиси эса Сирдарёнинг ўнг соҳили билан туташган бу кенгликлар 30-йилларда ҳам қумшағалли барханалардан иборат эди. Яйдоқ даштда яшоқдан бошқа гиёҳ ўсмасди. Фақат Сирдарё соҳилларидагина қамишзорларга дуч келардингиз.

Доҳий В. И. Ленининг Далварзин даштликларини ўзлаштириш тўғрисидаги декретини амалга ошириш учун дашт қўйнига келган чўқуварлар бу ерларни беқиёс пахтазорларга, боғ-роғларга айлантардилар. Ўзбек ва тожик халқлари даштга ҳужум бошлаб, доҳий орзуларини рўёбга чиқардилар. Далварзин қўйнида Бекобод ҳамда Ленинобод областининг Мастчоҳ районлари ташкил этилди. Ҳозир даштда йилига 140 минг тоннага яқин «оқ олтин» етиштирилмоқда.

Бир неча йиллардан бери Далварзин даштидан қолган сўнгги нишона — «Бўйинқум» массивини ўзлаштириш давом этмоқда. 1972 йилда қумликлардан ажратиб олинган, ўзлаштирилган ерлар ҳисобига бу ерда 4-«Далварзин» совхози ташкил этилди. Дастлабки йилдаёқ хўжаликда ҳар гектар майдондан 23,5 центнердан пахта ҳосили олинди.

Бу чўқуварлар жасоратининг самараси эди. Чунки янги ўзлаштирилган ерлардаги пайкалларга таралган сув меъёридан ортиқчароқ бўлса эгатни ҳам, ўқариқни ҳам тошиб бўлмасди. Уларни сув ювиб кетарди. Обҳаёт камчилроқ бўлиб қолса эса ғўзалар икки купдаёқ ковжираб қоларди.

Пахтакорлар бу машақатларнинг ҳаммасига бардош бердилар. Ўта йилбой Назаров чўқуварларнинг меҳнат ғалабалари тўғрисида завқ билан сўзлайди.

— Ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида давлатга 6010 тонна пахта етказиб бердик. Бу хўжалигимиз ташкил этилган йилдагидан қариб 1,5 баравар кўпдир. Ўтган давр мобайнида мева ва сабзавот етиштириш 2,5 баравар, узум ва дон етиштириш 3 баравар, давлатга 4661 тонна пахта, 200 тонадан кўпроқ мева, 360 тонна қовун-тарвуз, 100 тонна сабзавот, 274 тонна дон сотилди.

Йил сайин чўлга ҳужум тобора кучайиб борди. 1978 йилда 6-механизациялашган кўчма колонна коллективи «Бўйинқум» массивининг ўртасида кўтарма қилиб, канал барпо этдилар. Канал плёнка билан қопланиб, бетонлаштирилди. Бу қақраб ётган янги-янги майдонларни экинзорларга айлантириш имконини берди. Хўжаликнинг номи ҳам «Авангард» совхозига ўзгартирилди.

Совхоз экономисти Ортиқпилла 2 бараварга кўпайди. Хўжалигимизда йирик сутчилик комплекси қурилган. Ўтган йили давлатга 657 тонна, 1972 йилдагидан 412 тонна кўп сут сотилди.

Даштларни дур-жавоҳир хазинасига айлантираётган чўқуварлар шижоати таҳсинга лойиқдир. Совхознинг М. Мирзаев, Э. Алиқулов, А. Тожибоев, Н. Абдуназаровлар бошлиқ бригадалари ишчилари ҳар гектар майдондан 35—40 центнердан пахта хирмони кўтаришмоқда.

Меҳнатдан келаётган бойлик чўқуварлар турмуш фаровонлигини оширишга сарфланяпти. Совхознинг марказий посёлкаси йилдан-йилга чирой очиб боряпти. Пахтакор ва чорвадорлар шинам, кўп қаватли уйларда яшайдилар. Посёлка кўчаларк тунда ҳам Ильич чироқларидан чароғон. Чўқуварлар фарзандлари учун ҳашаматли ўрта мактаб биноси қуриб берилган.

Дашт чўқуварларга осонликча таслим бўлмаяпти. Яқин йилларда ҳам Бекобод — Тошкент йўлидан ўтишда «Бўйинқум» массивидан шиддат билан эсаётган қум бўронига дуч келиш мумкин эди. Қиш ва эрта баҳорларда бу шамол ариқларни қум билан тўлдириб юборарди. Ҳозир эса ана шу жойларда Бекобод ўрмон хўжалиги участкаси ташкил этилган. Ўрмончилар қум бўронларининг олдини тўсишда деҳқонларга мадад бермоқдалар. Ҳозир йўлнинг икки ёни бўйлаб ихота дарахтзорлари ташкил этилган. 1975 йилда эса бу ерда «Ғалаба боғи» ҳам барпо этилди.

Ҳа, чўқуварлар даштда довон ошмоқдалар. Улар доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллик юбилейи йилида янада катта марраларни эгаллашга қатъий аҳд қилганлар.

О. ҲАМРОЕВ.

«ЛЕНИННОМА» КОНКУРСИГА

Тошкентдаги «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси токари Б. Қосимов шу кунларда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишламоқда. У нормасини доим 150 процентга етказиб бажармоқда ва фақат сифатли маҳсулот бермоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ПОЙТАХТНИНГ ЗИЛОЛ БОЙЛИКЛАРИ

Тошкент шаҳар ирригация трести меҳнат коллективининг самарали ишлари натижасида ўтган йили кўплаб километрга чўзилган сув йўли тармоқлари ва ариқлар, водопроводлар барпо қилинди.

Аҳолини ичи-ҳаёт билан етарли даражада таъминлашда ер ости ва дарё сувларини насос ёрдами билан чиқариш, сув омборлари қуриш катта аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бир қаторда трест ишчилари ва инженер-техник ходимлари шаҳарнинг кўча, бульвар, хиёбон ва майдонларини кўкаламзорлаштиришда зўр ғайрат кўрсатмоқдалар. Ирригация трести ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилини ва бу йилги йиллик социалистик мажбуриятни муваффақият билан бажарди. Планга киритилган ишлар муддатидан олдин 1979 йилнинг 17 декабрида бажарилди.

Капитал ремонт маблағи ҳисобидан Полторацкий, Халқлар дўстлиги, Шота Руставели, Жуковский, Темирйўл, Жарқўрғон, Энгельс ва Навоий кўчаларида жами 127 километр масофадаги сув йўли тармоқлари қурилди ва ремонт қилинди. Шу билан бирга Анҳор, Вўрижар қирғоқларидаги дам олиш эоналари, Ипподром атрофидаги майдон, парк ва Ц-13, 14, 15 массивларида сув йўллари, ариқ-каналларни тартибга солиш ва ремонт қилишда катта ишлар олиб борилди.

Фақат 1979 йилнинг ўзида 29 гектар майдонга ҳар хил манзарали дарахтлар ўтказилди. Жумладан: Ўзбекистон 50 йиллиги проспекти, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги ва К. Маркс бульварларида, 1 Май кўчасида, В. И. Ленин, Чилонзор, СССР 50 йиллиги, Собир Раҳимов номидаги метрополитен станциясидаги майдонларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Айниқса, Анҳор ва Салор дарёларининг қирғоқларини кўкаламлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Дарахт ва гулларни ариқ суви билан суғориш имконияти бўлмаган бу жойларда ва генерал Петров массивида насос станциялари қурилди. Пушкин, Лисунов кўчасида, «Ташсельмаш»да эса қудуқлар казилди.

Ирригация трестининг бутун амалий фаолияти пойтахт шаҳри Тошкентда истиқомат этувчи аҳолининг табиат гўзаллигидан баҳраманд бўлиш ва табиатни муҳофаза этиш каби энг муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилгандир. Трест шаҳар меҳнаткашларининг талабини қондириш, илтимос ва таклифларини сўзсиз бажариш ишларига алоҳида эътибор қилмоқда. Шаҳар аҳолисидан келган аризалар, таклиф ва илтимослар қисқа муддат ичида бажарилади. Масалан: халқнинг талаб қилиб ёзган аризаларига биноан кўплаб маҳаллаларда янги сув йўли тармоқлари ишга солинди.

Собир Раҳимов райони Каменогорская кўчасида доимий оқиб турган ариқ сувининг зах ўтказиш натижасида кўп хонадонларнинг уйлари бузилиш даражасига келган эди. Маҳалла аҳолисининг аризасига биноан ирригация трести бу ариққа лотоклар, бетон навлар ўрнатди ва пировард халқнинг уйлари зах емирилишдан сақланиб қолинди.

Трест 1980 йилда яна жуда муҳим ва зарур ишларни бажариш планини тузиб чиқди. 80 километр суғориш тармоқлари ва дарахт, гулларни суғориш учун фонтанчалар қуриш, 22 гектар ерда кўча, майдон ва бульварларни кўкаламзорлаштириш, 4 та жойда сув қудуқлари ковлаб сув чиқариш, 3 та насос станцияси ўрнатиш каби тадбирлар шулар жумласидандир. Шу каби ҳозирги кунда қурилаётган Пушкин, М. Горький, Ҳамид Олимжон метрополитен станцияларининг атрофини ободонлаштириш, манзарали ва мева дарахтлари ўтказиш, гулзор майдонлар яратиш ишлари мўлжалланган. 1980 йилда бутун шаҳар сув йўли тармоқларини, сув хўжалигини батамом тартибга солиш ишлари планлаштирилган: улкан шаҳарни кесиб ўтувчи анҳор ва ариқларни тозалаш, мавжуд бўлган насос станцияларини, дарахт ва гулларни суғорадиган водопровод фонтанчаларни ремонт қилиш ишлари шу кунда жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Бу шарафли ишларда трест коллективидан Қ. Бўриев, Т. Галиуллин, Ж. Асқаров, И. Коротков ва бошқалар пешқадам бўлиб меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ирригация трестида кўп йиллар хизмат қилиб келувчи, трестнинг бошлиғи Маҳмуд Зокирович Зокиров ўз ишини яхши билувчи ҳурматга сазовор бўлган етакчидир.

У ўз иш фаолияти даврида меҳнаткашларнинг ариза ва илтимосларини ҳар доим бажариб келмоқда.

М. ДАУКАЕВ.

ИШЧИ-ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ СЛЁТИ

ЎРТА Чирчиқ район партия комитетининг мажлислар залида районда чиқадиган «Машъал» газетаси ишчи—қишлоқ мухбирларининг слёти бўлиб ўтди. Бу ерга йиғилган ишчи-қишлоқ мухбирлари олдида сўзга чиққан журналистлар ўз иш тажрибалари, район газетасини янада мазмунли чиқариш чора-тадбирлари ҳақида гапирдилар.

Ишчи-қишлоқ мухбирларининг слётида район партия комитетининг биринчи секретари М. Эгамбердиев, район партия комитетининг секретари Л. Нуралиев ўртоқлар қатнашишди. Слётда барча ишчи-қишлоқ мухбирларига мурожаат қабул қилинди.

Ана шундай ишчи-қишлоқ мухбирларининг слётлари Бўстонлиқ ва Коммунистик районларида ҳам бўлиб ўтди.

И. НЕЪМАТУЛЛАЕВ.

ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА

Пискент районидаги «Ташводстрой» автобазасига қарашли болалар боғчасида кичкинтойлар ғамхўрликлар билан қуршаб олинган. Намунали таълим-тарбия берилаётганлиги туфайли боғча коллективи ўтган халқаро болалар йилида районда ўтказилган кўрикда биринчи ўринни эгаллади. Унга рангли телевизор ҳам мукофотга берилди.

Ҳозир боғчада 90 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Тарбиячилардан Д. Миронова, Т. Зотковалар яхши фаолият кўрсатишяпти. Медицина ҳамшираси Ҳ. Шайдуллина эса жажжилар саломатлигининг жонкуяр посбонидир.

Дўмбоқлар масканида В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига бағишланиб «Биз доҳийни куйлаймиз» деган концерт тайёрланмоқда.

А. МАЛЛАХЎЖАЕВ.

ТАШАББУСКОРЛИК ВА АКТИВЛИК

Бекобод металлургия заводининг қиёфаси кейинги йилларда ўзгариб кетди. Сирли идишлар ишлаб чиқарувчи цехнинг ишга туширилиши билан корхонада катта реконструкция ишлари бошланиб кетди. Электр билан пўлат эритувчи комплекс қурилиши билан металлургия заводи янада кенгайди. Ҳозир учта электр печь ишлаб турибди. Электр билан пўлат эритувчи коллектив кундан-кунга зўр муваффақиятларга эришмоқда. Янги комплекс ишга туширилгандан бери улар 250 минг тоннадан ортиқ пўлатни Ватанга армуғон қилдилар.

Корхона ишлаб чиқариш кенгайиб бориши туфайли вазифалар ҳам мураккаблашмоқда. Электр билан пўлат эритиш комплексида қувватларни ўзлаштириш бўйича ҳали кўп ишларни бажаришимиз даркор. Прокат ва мартен цехларида ишлаб чиқаришнинг бир маромда боришини таъминлашимиз, сирланган идиш-товоқлар ишлаб чиқарувчи бўлимда маҳсулот сифатини янада оширишимиз лозим.

Корхонамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун зарбдорчасига ишламоқдалар. Эришаётган зафарларимиз кундан-кунга салобатлироқ бўлмоқда. Маҳсулот реализация қилиш планини 1980 йилнинг 28 декабригача бажаришга ғами-қарор қилдик. Пландан ташқари 6 минг тонна пўлат, 2600 тонна сифатли прокат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга сўз бердик.

Шубҳасиз, бундай марраларга эришишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун меҳнаткашларнинг сафарбарлигини ҳар қачонгидан ҳам оширишимиз лозим. Жамоат ташкилотлари бу ўринда ўзларининг ташкилотчилик қобилиятларини кўрсатишлари лозим. Социалистик мусобақани авж олдиришда, маҳсулот ҳажмини кенгайтиришда, сифатини яхшилашда касаба союз ташкилоти жуда катта ишларни амалга ошириши керак.

Партия ташкилоти касаба союзга раҳбарликни янада такомиллаштирмоқда. Касаба союз активларининг ҳисоботларини эшитиб бориш анъанага айланиб қолган.

Ўтган ойларнинг бирида электр билан пўлат эритиш цехида социалистик мусобақа яхши натижа бермоқда. Шунда биз цех касаба союз ташкилоти раиси Р. Исматовнинг ҳисоботини тингладик. Мутахассислар бир қатор қимматли таклиф ва мулоҳазалар билан чиқишди. Цехда йиғма бригадаларни ташкил этишга қарор қилинди. Ана шу услуб асосида моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг шартлари ишлаб чиқилди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КАСАБА СОЮЗГА РАҲБАРЛИК

Партия ташкилоти қабул қилинган қарор ижроси устидан қатъий назорат ўрнатди. Брак кескин камайди. Меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Қолоқлар илғорлар даражасига етказилди.

Партия ташкилоти ишлаб чиқаришнинг турли участкаларида туғилган илғор тажрибалар, ташаббусларни тез илғаб олиб, халқ оммасининг мулкига айлантиришга алоҳида диққат қилмоқда. Касаба союз ташкилотлари ва группалари бу ишда ниҳоятда синчков бўлмоқдалар. Масалан, ўтган йилнинг бошида мартенчилар ўзбек пўлатининг илк бор қуйилганига 35 йил тўлиши муносабати билан оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар. В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигига яна оширилган мажбурият олишди. Ҳозир юбилей олди мусобақасида 129 бригада актив иштирок этяпти. 470 ишчи шахсий беш йиллик топшириғини шараф билан бажарди. Область касаба союзлари комитетининг аъзоси Н. Нуржоев, касаба союз активларидан М. Егоров, А. Мирзаматов, А. Рилкин, Ю. Петров каби металлурглар ишлаб чиқаришда, жамоат ишларида намуна бўлмоқдалар.

Заводда партия, касаба союз ташкилотлари ва маъмурият ҳамкорлигида меҳнат, маданият ва спорт эстафетаси ташкил этилган. У кўпинча маданият уйида ўтказилади. Бундай кечалар цехлар, бригадалар коллективларининг меҳнат муваффақиятлари кўригига айланмоқда. Бадиий ҳаваскорлик тўгараклари аъзолари концертлар қўйиб беришади. Ҳозир биз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига эстафетанинг янги босқичини давом эттирамиз. Бу эстафета металлургларнинг уйи саҳнасидан бошланиб, ишлаб чиқаришда, металлургларнинг шаҳарчасида, турар-жойларда, аҳоли гавжум жойларда дадил қадам ташлаб бормоқда. Бу эса янги муваффақиятларга олиб келяпти. Шаҳримиз янада гўзаллашиб, ободлашиб бормоқда.

Бу ишларни олиб боришда касаба союз ташкилоти ўзининг ташкилотчилик қобилиятини яққол намоён этмоқда. Ҳар бир кишининг ишлаб чиқаришда, жамоат ишларида актив иштирокини таъминламоқда. Касаба союз ташкилоти ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида жуда катта тадбирларни амалга оширишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Уларнинг бирмунчаси ҳозироқ ҳаётга тадбиқ этилди. Бу тадбирлар барча соҳада янги зафарлар сари элтмоқда.

М. ЖАМОЛИДДИНОВ,
Ўзбекистон металлургия заводи партия комитетининг секретари.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

КОММУНИСТИК район алоқа узели коллективи меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш маданиятини йил сайин ошириб бормоқда. Бу ерда хизмат кўрсатишнинг қатор енгил прогрессив тадбирлари ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда. Алоқа узели ходимларининг малакасини оширишга эътибор кучайтирилмоқда.

Шундай тадбирлар туфайли меҳнаткашларга алоқа хизмати кўрсатиш ҳажми ортди. Коллективнинг ўтган йилдаги иш якунлари шундан далолат бериб турибди. Беш йилликнинг тўртинчи йилида почта хизмати кўрсатиш, телефон алоқаси бўйича план анча ортиғи билан адо этилди. Радиолаштириш 102,4 процентни ташкил этди. Райондаги қатор хўжаликлар, посёлкалар ва қишлоқларда кўплаб киоскалар очилди.

Коллективнинг бундай муваффақиятларга эришишида ветеран — почта ходимларининг хизмати катта бўляпти. Айниқса, Д. Нурматов, М. Мирсобитов, Ф. Йўлдошев каби ходимлар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан меҳнаткашлар ҳурматига сазовор бўляптилар. Улар ўз тажрибаларини ёшларга қунт билан ўргатяптилар.

«Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси С. А. Вартанова бир беш йиллиқда икки беш йиллик нормасини бажариш ҳақидаги ваъдасини шараф билан адо этмоқда. У В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини ўн биринчи беш йиллик планини бажариш билан нишонлаша ҳаракат қилмоқда. Суратда: С. А. Вартанова иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

БРИГАДА ПУДРАТИ САМАРАСИ

РЕСПУБЛИКА МУСОБАҚАСИ ҒОЛИБЛАРИ

«УЗБЕКШАХТОСТРОЙ» илғор қурилиш ташкилотларидан ҳисобланади. Трест коллективи ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишда яхши натижаларга эришмоқда. Қурилиш-монтаж ишлари давлат планлари йил сайин тўла ва знёдаси билан адо этиляпти. Объектларнинг деярли ҳаммаси белгиланган муддатда ва барвақт фойдаланишга топширилмоқда. Трест ўтган йилги республика социалистик мусобақасида ҳам ғолиб чиқди. Коллективга 1979 йил иш якунлари бўйича Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди. Коллективнинг ўтган йилдаги иш натижалари ва бу йилги режалари ҳақида трест бошқарувчиси Леонид Яковлевич ТЕРМАН мухбиримизга қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди:

— Трестимиз коллективи ҳар йили ўнларча миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширмоқда. Бинокорларимиз, айниқса, сўнгги йилларда юксак меҳнат марраларини эгаллаяпти. Ўнинчи беш йилликнинг ўтган йиллари биз учун кувончли бўлди. Давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажардик. Шу йиллар давомида кўплаб саноат объектлари, маданий-маиший муассасалар, уй-жойлар, чорвачилик биноларини фойдаланишга топширдик.

Ўтган йилги ишимиз якунлари ҳам анча самарали бўлди. Қурилиш ишлаб чиқаришини такомиллаштиришга, бинокорларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, илғор иш усулларини қўлланишга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилиши фаолиятимизга ижобий таъсир кўрсатди. Йил давомида қўлимиздан чиқиши лозим бўлган барча объектлар буюртмачиларга топширилди. Давлат плани деярли барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва ишлаб чиқариш қувватларини яратиш бўйича бажарилди.

Ўтган йили қатор саноат корхоналари корпусларини барпо этдик. Мавжуд заводлар ва конларни реконструкция қилиш бўйича зиммамизга юклатилган вазифалар ҳам муваффақиятли бажарилди. Саноат объектларни қурилишида миллионларча сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

Ҳар қачонгидек 1979 йилда ҳам Ангрен шаҳар уй-жой фондини кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшдик. Шаҳар бўйича жами 55 минг 519 квадрат метр сатҳли турар-жойлар фойдаланишга топширилган бўлса, шунинг 35 минг 158 квадрат метрини биз барпо этдик. Уй-жой кооператив қурилиши бўйича ҳам ишларимиз миқёси кўпайиб бормоқда. Ўтган йили шундай кооперативлар буюртмаси билан салкам 3 минг квадрат метр майдонга эга бўлган уйларни қўлдан чиқардик. Бу соҳа бўйича топшириқ ҳам муваффақиятли адо этилди. Шунингдек, қатор тиббий муассасалар қурилиши ҳам графикдагидан анча жадал олиб борилди.

Жами пудрат ишлари ҳажми ортиғи билан бажарилди. Пландагидан ташқари ярим миллион сўмлиқка яқин пудрат ишлари амалга оширилди. Коллективимиз ўз кучи билан ҳам қуриш топшириқларини уддасидан чиқди. Бевосита бинокорларимиз амалга оширган иш ҳажми 13 миллион 38 минг сўмни ташкил этди. Бу планда белгиланганига нисбатан уч процент кўпдир.

Сўнгги йилларда товар қурилиш маҳсулоти бинокорлик ташкилотлари коллективларининг асосий иш кўрсаткичи бўлиб қолмоқда. Ўтган йили худди шу муҳим кўрсаткич бўйича ҳам топшириқ знёдаси билан адо этилди. 21 миллион 381 минг сўмлик товар қурилиш маҳсулоти ҳажмида иш бажарилди. Бу зиммамизга юклатилган вазифадагига нисбатан 20 процент кўпдир. Ҳар бир ишловчи ҳисобига қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш топшириғи ҳам муваффақиятли адо этилди. Ўтган йили бу кўрсаткич 7 минг 392 сўмни ташкил этди. У белгиланганига нисбатан 0,1 процент ортиқдир. Кўринишидан бу арзимагандек туюлади. Аслида эса ундай эмас. Томчилардан денгиалар пайдо бўлганидек, ана шу кичик миқдордаги рақамлардан катта-катта маблағлар пайдо бўлади. Иш ҳажмини бажаришда 0,1 процент ортиқча натижага эришиш ҳам мингларча сўм қўшимча маблағ ўзлаштиришга олиб келди.

Ютуқларимиз омиллари ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало бригада пудратини жорий қилиш яхши натижа бераётганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Коллективимиз областимизда биринчилар қатори қурилишни ташкил этишнинг ана шу самарали усулига ўта бошлади. Ўтган йили эса злобинчи бригадалар сони 40 тага яқинлашиб қолди. Бу бригадалар қурилиш-монтаж ишларининг 90 процентини амалга оширдилар.

Зазулин, Эборисёц ва бошқа моҳир қўйи ишлаб чиқариш командирлари бошқараётган хўжалик ҳисоби асосида ишловчи бригадалар меҳнати натижаси жуда салмоқли бўлмоқда. Улар барча объектларни тез ва соз қуришяпти. Самарали меҳнатлари эса муносиб тақдирланмоқда. Злобинчи бригадалар объектлар қурилишини тезлаштириш, сифатини яхшилаш, бинокорлик материалларини тежаб қолиш ҳисобига кўраётган иқтисодий фойдасининг анчагина миқдорини мукофот сифатида олишяпти. Бригада пудрати асосида ишлашни жорий қилиш трестимизда яхши йўлга қўйилганлиги учун «Труд» газетасининг совринини олишга муваффақ бўлдик. Бу мукофот ҳар йили мамлакатимизнинг злобинча ишлаш усулини қўлланишда яхши натижага эришган қурилиш ташкилотлари ва бригадаларга берилади.

Коллективимиз ростовлик меҳнаткашларнинг «Барвақт қурамиз, қувватларни барвақт ўзлаштирамиз» шиори остида бошлаган ташаббусини зўр қизиқиш билан кутиб олди. Биз бу ҳаракатда иштирок этишга аҳд қилдик. Барча объектларни белгиланган муддатларда ва ундан ҳам илгари фойдаланишга топширишга эришамиз.

Шу мақсадда зиммамизга юксак социалистик мажбуриятлар олдик. Унда қурилиш ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича янги марраларни белгиладик. Ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, пудрат ишлари бўйича йиллик давлат планини 26 декабргача бажаришга қарор қилдик. Қўшимча 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Меҳнат унумдорлиги эса белгиланганига нисбатан 0,3 процент ортади.

Қатор объектларни муддатидан илгари фойдаланишга топширамиз. Резинатехника, «Сантехлит» заводларининг янги ишлаб чиқариш қувватлари, газ тақсимлаш станцияси ноябрь ойидаёқ ишга туширилади. Ангрен шаҳридаги йирик уйсозлик заводи реконструкцияси ҳам барвақт тугалланади. 37 минг квадрат метр ҳажмли уй-жой қуриш топшириғи 25 декабргача бажарилади. Коллективимиз қурилишнинг механизация даражасини ошириш, янги техникани жорий қилиш, бинокорлик материалларини кўплаб тежаб қолиш юзасидан ҳам режалар белгилаб олди.

Мажбуриятимизда «Пудрат қурилиш-монтаж ишларининг жами ҳажми бригада пудрати усулида бажарилади» дейилган. Ҳа, бу ҳақиқат. Биз барча қурилиш-монтаж ишларини ана шу прогрессив усулни қўлланиш билан амалга оширамиз. Қурилишни ташкил этишнинг бу самарали формаси юксак социалистик мажбуриятларимизнинг сўзсиз бажарилишига ёрдам беради.



Тошкент экскаватор заводининг фрезерчиси В. Ҳазиноров социалистик мусобақа ғолиби. У доҳий В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллигини улкан меҳнат зафарлари билан кутиб олиш ниятида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Илғор ишчи кунлик топшириқларини 130—150 процентга етказиб бажаряпти.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДА ВЛКСМ САФИГА

ЯНГИОБОД шаҳри комсомол-ёшлари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини меҳнатда, жамоат ишларида янгидан-янги муваффақиятлар билан кутиб олиш учун курашишмоқда. Ёшлар доҳий юбилейи олдидан бошланган социалистик мусобақада актив иштирок этиб, кунлик топшириқларини знёдаси билан бажаришяпти.

Яқинда бир группа ишлаб чиқариш илғорлари комсомол сафига қабул қилиндилар. Бу тантана шаҳар комсомол комитетида ўтказилди. ВЛКСМ билетларини ишлаб чиқариш илғори, ВЛКСМ XVIII съезднинг делегати Владимир Саников топширди. Бу тантанада меҳнат ветеранлари ҳам иштирок этдилар.

ХЎЖАЛИКЛАРДА МЕҲНАТНИ ИЛМИЙ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА НОРМАЛАШТИРИШ

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлиги ва иш сифатини оширишда колхоз ва совхозларда меҳнатни илмий ташкил қилишнинг аҳамияти катта. Бу кам маблағ билан мўл маҳсулот етиштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархни арзонлаштиришнинг муҳим омилларидан биридир.

Б. Р. Раҳимовнинг яқинда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган «Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни илмий ташкил қилиш ва нормалаштириш» китобида ана шу масалалар ҳақида сўз юритилади.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалигига фан-техника ютуқлари кенг жорий этилмоқда. Колхоз ва совхозларга тобора кўпроқ миқдорда юқори унумли мукаммал техника восталари, турли минерал ўғитлар, гербицидлар, химиявий препаратлар етказиб берилаётир, деҳқончилик ва чорвачиликка илғор технология жорий этиляпти, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш кучаймоқда. Бу шароитда хўжаликларда меҳнатни илмий ташкил қилиш ҳаётий заруратга айланиб бораётир.

Китобда қишлоқ хўжалигн тараққиётининг ҳозирги босқичида меҳнатни илмий ташкил этиш принциплари батафсил баён этилган. Айниқса, меҳнат тақсимоти ва меҳнат кооперацияси, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш масалалари чуқур ёритилади. Алоҳида бобда қишлоқ хўжалигида меҳнатнинг санитария-гигиеник, психологик-физиологик ва эстетик шароитлари ўрганилади.

Хўжалик раҳбари сифатида менн китобдагн деҳқончилик ва чорвачиликда асосий меҳнат жараёнларини ташкил этиш масалалари ёритилган боб, айниқса, қизиқтирди. Бу бобда пахтачиликда асосий агротехника тадбирларини ўтказиш қоидалари, технологик картадлардан фойдаланиш, чорвачиликни комплекс механизациялаш баён этилган. Шунисн диққатга сазоворки, меҳнатни илмий ташкил этиш самаралари илгор хўжаликлар мисолида очиб кўрсатилган. Жумладан, Чиноз районидаги «Чиноз» совхоз-техникумн чорвачилик фермаларида иккн сменали ишнинг жорий этилиши натижасида чорвадорларнинг унумли меҳнат қилишларига, дам олиш ва ўқишларига қулай шароит яратилганлиги ишонарли мисолларда кўрсатиб берилган.

Китоб бухгалтерия ходимларига, иқтисодчиларга ҳам муҳим қўлланма сифатида хизмат қилиши мумкин. Унинг бир неча бобида механизациялаштирилган дала ишларида, чорвачилигида, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда, стационар, қўл билан бажариладиган ва транспорт ишларида банд бўлган ходимлар меҳнатини нормалаштириш илмий асосда кўрсатиб берилган. Муаллиф қишлоқ хўжалигида тариф белгилаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш масалаларига ҳам тўхталган. Бунда совхозларда ва колхозларда меҳнатга ҳақ тўлаш алоҳида ўрганилади.

Кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш колхоз ва совхозларда ҳам гоят муҳим масалалардан биридир. Китобда қишлоқ хўжалиги учун ишчи кадрларни тайёрлашни ҳунар-техника билим юртлари билан бир қаторда бевосита ишлаб чиқаришда амалга ошириш мумкинлиги кўрсатилган. Бунинг учун индивидуал, бригада усулида ҳамда курс йўли билан таълим беришдан фойдаланиш тавсия этилади.

Муаллиф ҳозирги даврда меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтади. «Қўл билан меҳнат қиладиган ходимнинг бекор туриб қолиши билан қудратли трактордa ишловчи механизаторнинг бекор туриб қолиши ўртасидаги фарқ жуда каттадир, — дейилади китобда. — Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, агар К-700 маркали трактор иш қизғин даврда бир кун бекор туриб қолса, хўжаликка 80—90 сўм зарар келтиради». Шунинг учун қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнат интизомини мустаҳкамлашда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш усулларидан қўлланиш тавсия этилади. Иш жойларига хизмат кўрсатишни яхшилаш, меҳнатни ташкил этишнинг коллектив формаларини жорий этиш, меҳнат шароитини яхшилаш, меҳнат ва дам олишнинг илмий жиҳатдан асосланган режимларини қўллаш шулар жумласидан ҳисобланади.

Китобда колхоз ва совхозларда меҳнатни илмий ташкил қилиш ва нормалаштириш бўйича амалий маслаҳатлар берилгани диққатга сазовордир. Бунда меҳнатни илмий ташкил қилиш советларининг ишини ташкил қилишга алоҳида эътибор берилган.

Хуллас, «Қишлоқ хўжалик корхоналарида меҳнатни илмий ташкил қилиш ва нормалаштириш» китоби колхоз ва совхозлар раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, ўрта бўғин кадрлари учун муҳим қўлланма сифатида хизмат қилади.

И. ҲАЙДАРОВ,
Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг раиси.

ЯНГИ КИТОБЛАР

ҚАЛБ ТАШАККУРИ

(ХАТЛАРНИ ЎҚИБ)

Бундан олти йил муқаддам Горький шаҳрида игна билан даволовчиларнинг конференцияси ўтказилган эди. Чиноздаги марказий район касалхонасининг игна билан даволаш кабинетининг врачи А. И. Лигай ҳам доклад билан чиқди.

У, бу кабинетда беморлар қабули яхши йўлга қўйилгани, кўпгина киши махсус игна таъсирида шифо топгани ва ушбу усулнинг медицинадаги аҳамияти ҳақида батафсил гапирди...». Бу сатрлар газетхон **А. Раҳимов**нинг «Ишонч» сарлавҳали материалидан олинди.

Редакциямизга шу мазмундаги хатлар кўплаб келиб турибди. Жамоатчи муҳбиримиз **А. Портнойн** Чирчиқдаги 5-дорихонада шу кунларда қилинаётган ишлар қизиқтирган. Улуг Ватан уруши қатнашчиларига дори-дармон етказиб беришни янада яхшилаш мақсадида яқинда бу ерда алоҳида бўлим очилди.

Тажрибали шифокор Ҳусниддин ака Сатторовни Калинин районида яхши билишади, — деб ёзади газетхон **Х. Мирсолиева.** — Ўтгиз йилдирки, у эл-юрт саломатлиги йўлида фаол меҳнат қилиб келмоқда. У райондаги Ленин номли касалхонага кўп йил раҳбарлик қилди.

Шароф ака Салоҳиддинов ҳам ана шундай моҳир шифокорлардан. Тошкент районидаги Хасанбой қишлоғи марказида жойлашган касалхонада у кўплаб ёшларга мураббийлик қилди. Бу ҳақда газетхон **М. Пўлатхўжаев** бизга хабар қилган. Ўртоқ **А. Бронштейн** йўллаган мактубда ўлка медицина илмий-текшириш институти клиникасининг бош врачи М. Саъдуллаеванинг босиб ўтган ҳаёт йўли тўғрисида ҳикоя қилинади.

Оржоникидзе районидаги марказий касалхонанинг қулоқ-бурун ва томоқ бўлимида муолажа ишлари яхши йўлга қўйилган. Бўлимга врач Б. Алиев мудирлик қилмоқда. Газетхонлардан **Э. Одилов** ва **Н. Воҳидов**лар ўз материалларида бу шифокорнинг тажрибакорлиги, беморларга меҳрибонлиги ҳусусида ҳам фикр юритганлар.

Огир дарддан халос қилиб қайта ҳаёт бахш этган шифокорларни унутиб бўладими! Асло! Бундай фидоий оқ халатли меҳрибонлар область касалхонасида ҳам кўп. М. Каримов, Д. Мухторов, Ў. Хатамова ва бошқалар шулар жумласидан. Бу шифобахш масканда беморларга бўлган катта эътибор ҳақида газетхон **М. Кукузов** фахрланиб ёзади. Тошкентдаги 10-шаҳар касалхонасида фаол меҳнат қилаётган Х. Содиқов, Ф. Шокирова, каби шифокорлар тўғрисида эса, газетхонлардан **С. Фозилов, В. Овчаренко, А. Одилов**лар илиқ гапларни ёзиб юборишган. Ўрта Чирчиқ районидаги туғуруқхонада олиб борилаётган ибратли ишлар **Ж. Усмоналиева** материалида ўз аксини топган.

Шуниндек, редакция **Т. Дўсанов, С. Сайдуллаев, Х. Тожиматов, Н. Гомозов, А. Абдусатторов** ўртоқлардан ҳам миннатдорчилик хатларини олди. Улардa Тошкентдаги 7-стоматология поликлиникаси, Пискент район санитария-эпидемиология станцияси ва Тошкентдаги 11-поликлиникада беморлар қабулига яхши эътибор берилаётгани хабар қилинади.

Миннатдорчилик сўзлари битилган бу хилдаги мактубларни ўқиганингизда «Қўлингиз дард кўрмасин, шифокорлар» дейсан, киши!

Ғалаба районидаги Димитров номли колхознинг теплица хўжалигида ёзги ноз-неъматлар кўплаб етиштирилади. Теплицанинг миришкор ишчилари қиш кунлари шаҳар аҳолисига 4 тоннага яқин помидор, бодринг ва 1 тонна лимон етиштириб бердилар. Суратда: колхозчи Тамара Хен помидор узиб олмоқда.

У. Мардиқулов фотоси.

КАСБ-ҲУНАР МАСКАНИ

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги Дўрмон қишлоғида жойлашган мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ёшларга касб ўргатувчи марказга айланиб қолди. Ҳозир ўқувчилар билан бу ерда турли ихтисосдаги касблар бўйича машғулотлар олиб борилмоқда.

Кўпгина ёшлар шоферлик курсига ёзилган. Унга ўртоқ Ҳ. Аъзамов раҳбарлик қилаётир.

— Тошкент автомобиль йўллари ва транспорти институтини битирганимдан сўнг, тўғри шу даргоҳга ишга келдим, — дейди Ҳабибулло Аъзамов. — Ўқувчилар билан ишлашни жуда севаман. Уларга автомобиль ҳайдашнинг сир-асрорларини пухта ўргатишга ҳаракат қилаяпман. Ўқувчиларнинг барчаси қобилиятли болалар. Амалий машғулотлар ўтказиш учун 3-автобаза бизга кўргазмали қуроллар ва бешта автомобиль ажратди.

Ўқув ишлаб чиқариш комбинатининг тракторчилик, тикувчилик, ошпазлик, секретарь-машинистканик, сартарошлик каби курсларида ҳам машғулотлар намунали олиб борилмоқда.

О. ТЕМИРОВ,
Оржоникидзе районидаги Абдулла Қодирий номли 15-ўрта мактабнинг ўқувчиси.

БИР ФЕРМА ИЛҒОРЛАРИ

«ОГОНЁК» совхоз-заводи сут-товар фермасида сигирлар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида соғувчилар ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб ишлаяптилар. Ўтган йили совхозда ҳар бир сигирдан 3667 килограммдан сут соғиб олинди.

Район колхоз ва совхозлари ўртасида яхши кўрсаткичга эришилган бўлса ҳам аммо хўжаликда 1978 йилга нисбатан ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут миқдори камайиб кетган. Ҳозир совхоз чорвадорлари ана шу камчиликка барҳам бериш мақсадида иш олиб бораяптилар.

Совхознинг илғор соғувчилари 1980 йилда юксак марраларни эгаллашга қарор қилганлар. Ташаббускор Валентина Камарова ва Магдалиналар бу йил ҳар бош сигирдан 5000 килограммдан сут соғиб олишга қарор қилдилар. Фермaнинг бошқа сут соғувчилари ҳам улар изидан бориб ҳар бир сигирдан йил давомида 4000—4500 килограммдан сут соғиб олиш учун курашмоқдалар.

Э. БУТУПБОЕВ,
Ғалаба райони.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ЯҚИН ШАРҚ ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

АНҚАРА. Туркияда иш ҳақи оширилиши ва меҳнат шароитлари яхшиланишини талаб қилиб, 30 мингдан кўп киши иш ташлади.

Туркия пойтахти муниципалитетининг ишчилари ва хизматчилари иш ташлаганига бир ойдан ошди. Бунда 7,5 минг киши қатнашмоқда. Меҳнаткашлар кейинги уч ойда қонунга хилоф равишда ушлаб қолинган иш ҳақини талаб қилмоқдалар.

Измир, Истамбулда ва Туркиянинг бошқа шаҳарларида ҳам забастовкалар бўлмоқда.

ТЕҲРОН. Эрон спортчилари Москва олимпиада ўйинларида қатнашишга тайёргарлик кўрмоқдалар, деди Эрон миллий олимпиада комитетининг Бош секретари Носир Форухи.

У Форс агентлигининг мухбири билан қилган суҳбатида инқилобдан сўнг Эрон спорт ташкилотларида муҳим ўзгаришлар рўй бергaнлигини таъкидлади. Эрон миллий олимпиада комитетини бошқатдан тузгач, халқаро олимпиада ҳаракатига яна актив қўшилди, деди Н. Форухи.

БАГДОД. Ироқ республикасида шу йил қишлоқ йўлларини реконструкция қилиш катта лойиҳаси амалга оширилади. Маҳаллий маъмурий органлар ишлари министри Абдулфаттоҳ Муҳаммад Аминнинг хабар қилишича, бир неча йил ичида қишлоқ жойларда 10 минг километрдан кўп йўлга асфальт ётқизилиши лозим.

ДАМАШҚ. «Ал-Баас» газетасида эълон қилинган расмий маълумотларга кўра, Сурия аҳолисининг сони 1980 йил бошларида 8,86 миллион киши бўлган.

АММОН. Иорданияда бу йилгидек серёмғир мавсум бўлмаганига ярим асрдан кўп вақт ўтган. Мамлакатнинг бир қанча районларида тушган ёғин йиллик ўртача даражадан 5—6 баравар ошди.

(ТАСС).

РЕВОЛЮЦИЯНИНГ ДУШМАНЛАРИГА ЗАРБА БЕРАЙЛИК

КОБУЛ, 10 март. (ТАСС). Афғонистон Демократик Республикасининг кўпгина вилоятларида оммавий митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Ўн минглаб ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар ва турли афғон қабилаларининг вакиллари Америка империализми, Пекиндаги раҳбарлар ва Покистон реакцион доираларининг мадади билан мамлакат меҳнат аҳлига қарши ҳаракат қилаётган ички ва ташқи реакциянинг кирдикорларини қатъий қоралямоқдалар.

Жануби-Шарқий Пактнё вилоятининг пойтахти — Гордеэ шаҳрида оммавий митинг бўлиб ўтди. Митингда сўзга чиққан чегара ва қабилалар ишлари министри Файз Муҳаммад вилоят меҳнаткашларига мурожаат этиб, Апрель революциясининг мақсадларини амалга ошириш учун фидокорона курашга, империализм малайларига муносиб зарба беришга даъват қилди.

Митингда сўзга чиққан вилоятнинг бир қанча Пушту қабилаларининг оқсоқоллари Афғонистон революциясини қўллаб-қувватлаб гапирдилар, АДРнинг мустақиллигига — территориал бутунлиги, миллий суверенитетига таҳдид қилаётган босмачиларга қарши курашишга тайёр эканликларини айтдилар.

Қандаҳор вилоятининг меҳнаткашлари, руҳонийларининг вакиллари империализмнинг агрессив ҳаракатларини фош қилиб гапирдилар. Шу вилоятнинг губернатори Шаҳнавоз Шивани Америка империализми, Хитой шовинистлари, Покистон реакцияси ва уларнинг ёлланган малайларининг афғон халқига қарши жиноятларини қаттиқ қораладилар.

Бутун мамлакатда кўнгилли қаршилик кўрсатиш группалари тузилмоқда. Афғонистон меҳнат аҳлининг ҳамма табақалари вакиллари шу группанинг составига кирмоқда. Кобулдаги «Истиқлол» лицейда юзлаб йигит-қизлар халқ милициясн, халқ қуролли кучлари билан ёнма-ён туриб Апрель революциясининг душманларига муносиб зарба бермоқ учун қаршилик кўрсатиш отрядлари сафига ёзилдилар.

НЬЮ-ЙОРК, 10 март. (ТАСС). БМТ ахборот доираларида уқтирилишича, АҚШ ва унинг иттифоқчилари Покистонни АДРга қарши қаракат қилувчи асосий зарбдор куч сифатида қарашда давом этмоқдалар.

Шунинг учун ҳозирги вақтда Оқ уй Зиёул Ҳақ маъмурнятини расман душманлик ҳаракатларига тортмоқдаки, бу ҳаракатлар Афғонистонда кескинликни кучайтиришни, Бабрак Кармал ҳукуматининг стабиллигини барбод этишни мақсад қилиб қўяди.

Покистон ҳарбий режими босмачи отрядларини кенг кўламда қўллаб-қувватлашда давом этмоқда. Айни вақтда Покистон маъмурлари Покистон территорияси да ўрнашиб олган аксилинқилобий кучларнинг асосий ташкилотлари ва гуруҳларини бирлаштиришга мумкин қадар кўпроқ ёрдам беришга уринмоқда. Покистон ҳукуматининг рухсати билан Миршоҳда аксилинқилобий кучлар қўмондонлиги тузилди. Бу кучлар Захарий бошчилигидаги «Шимолий қўмондонлик» билан Изматулла Анакэай бошчилигидаги «Жанубий қўмондонлик»ка бўлинади.

Шу «қўмондонлик» кўкламги ҳужум, деб аталган ҳужум бошлашни режалаштиряпти. Бу масала АҚШ ва Покистон ҳукуматининг вакиллари билан келишиб олинган.

Покистон президентига яқин доиралардан маълум бўлишича, унинг атрофидаги кишилар Афғонистонда «кўкламги ҳужум» вақтида босмачи отрядларининг активлашуви афғон қўшинларининг аксилинқилобий ҳарбий отрядлар базаларига қарши жавоб операцияларига сабаб бўлиши ва шунда Покистон қуролли кучлари бевосита уруш ҳаракатларига қўшилиб кетиши мумкин деб ҳавотирланмоқдалар.

Пушту ва белужийларнинг баъзи қабилалари Зиёул Ҳақнинг бундай сиёсатига қарши чиқмоқдалар. Бу қабилаларнинг активлашиб қолганлиги Покистоннинг ичида маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради.

СОВЕТ МУСУЛМОНЛАРИ ВИЗИТИ ТУГАДИ

АММОН, 11 март. (ТАСС). Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси раисининг ўринбосари А. Абдуллаев бошчилигидаги Совет мусулмонлари делегацияси Иорданияда бир ҳафта бўлгандан кейин ватанига жўнаб кетди.

Визит давомида делегацияни вакиллар ва мусулмон диния ишлари министри К. Шериф қабул қилди. Делегация Иордания диндорлари, оккупация қилиб олинган Қуддус ишлари билан шуғулланувчи комитет аъзолари билан учрашдилар, Иорданиядаги мусулмонларнинг муқаддас жойлари ва тарихий ёдгорликлари билан танишдилар. Делегация аъзолари Иордания намояндалари билан учрашган вақтда Совет мусулмонларининг ҳаёти тўғрисида, СССРда давлат ҳимояси остида бўлган бой ислом меросларн тўғрисида, Совет Иттифоқида диний маросимларни ижро этиш арқилиги тўғрисида гапириб бердилар. Иордания билан Совет муносабатларини ривожлантириш учун делегацияларни, шу жумладан руҳонийлар бирбирларига делегацияларни юбориб туриш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

ГАРОВГА ОЛИНГАН АМЕРИКАЛИКЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАГА ДОИР

ТЕҲРОН, 10 март. (ТАСС). Бугун бу ерда Ислом революцион кенгашининг мажлиси бўлди. Мажлисда студентлар АҚШ элчихонаси биносида ушлаб турган американликлар тўғрисидаги масалалар оятилло Хумайни ҳозирлигида муҳокама этилди. Мажлисдан кейин Хумайни Эрон халқига нома билан мурожаат қилиб, уни миллий бирликни мустаҳкамлашга даъват этди. У айтдики, собиқ шоҳнинг жиноятларини ва АҚШнинг Эрондаги қўпорувчилик ишларини кўриб чиқиш учун тузилган халқаро комиссиянинг аъзолари комиссия ишининг ҳулосалари эълон қилингандан кейингина гаровдаги кишилар билан суҳбатлаша оладилар ва улар аввал шоҳнинг ҳамда АҚШнинг Эрондa қилган жиноятларига бевосита дахлдор бўлган гаровдагилар билангина учрашадилар.

Эрон ташқи ишлар министри С. Қутбзода студентлар нкки шартни ўртага қўйганликларини, ана шу шартлар бажарилгандан кейин гаровдаги кишилар ташқи ишлар министрлигининг ваколатларига берилишини журналистларга маълум қилди. Биринчидан, гаровга ушлаб турилганлар тоқиб-рилишидан ҳамма эронликлар ҳабардор бўлмоғи учун гаровдагиларнинг қачон топширилиши 8 соат олдин радио орқали маълум қилиниши керак ва иккинчидан гаровга олинган кишилар топширилган пайтдан бошлаб уларнинг ҳаёти учун жавобгарлик улар топшириладиган кишиларнинг зиммасида бўлади.

ИСРОИЛНИНГ ЯНГИ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ

БАЙРУТ, 10 март. (ТАСС). Исроил Бош министри Бегин Исроил парламенти (кнессет) спикери Ицхак Шамирни ташқи ишлар министри лавозимига тайинлади. Бу лавозим Моше Даян истеъфо бергандан кейин бўш қолган эди.

Янги ташқи ишлар министри Исроилнинг энг тескаричи экстремист кучларининг намояндасидир. Бир вақтлар у «Иргун цвей леуми» номли яширин террорчи ташкилотнинг бошлиғи бўлиб, снёсий қотилликни уюштиришда Бегин билан шахсан қатнашган, Фалластин территориясида Исроил давлатини тузиш учун йўл очган кишидир. Ҳукмрон «Ликуд» снёсий партиялар иттифоқига қўшилган Бегин бошчилигидаги экстремист «Херут» партиясининг аъзоси Шамир Иордан дарёсининг босиб олинган ғарб соҳилини Исроилнинг қўлида тамомила қолишини талаб қилмоқда.

Исроилда чиқадиган «Гаарец» газетаси Бегин тарафдорларининг ташқи ишлар министри лавозимига тайинланиши халқаро майдонда Исроилнинг яккаланиб қолишини қучайтириши мумкин, вазмин ва соғлом фикр юритувчи арбобни тайинлаш ўрнига ҳукумат тескари йўлдан қадам қўйди, деб уқтириб ўтади.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БУДАПЕШТ. Венгрия социалистик ишчи партиясининг XII съездига тайёргарлик якунловчи босқичга кирди. Область партия конференциялари ва Венгрия пойтахти коммунистларининг партия конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияларнинг қатнашчилари Венгрия социалистик ишчи партияси XI съездининг қарорларини амалга ошириш юзасидан ўз партия ташкилотлари фаолиятининг яқунларини кўриб чиқдилар, келгуси йиллардаги ишнинг асосий йўналишларини белгилаб олдилар, ВСИПнинг 24 мартда очиладиган XII съездига делегатлар сайладилар.

КОЛОМБО. Кейинги юз йил мобайнида гоят қаттиқ келган қурғоқчилик Шри Ланка марказий районларини қақшатди. 60 минг гектар чойзорнинг қуриб қолиш хавфи бор. Бу ерларда кейинги ойларда терилган чой барги 18 миллион килограмм чамаси камайди. Дарёлар сувининг камайиши сабабидан мамлакатнинг гидростанциялари тўла қувват билан ишламаётир. Бунинг оқибатида электр энергияси гоятда тақчил бўлиб турибди, шунингдек аҳолини сув билан таъминлашда ҳам узилишлар бўлмоқда.

ЛОНДОН, 11 март. (ТАСС). Буюк Британия коммунистик партияси мамлакат меҳнаткашларига мурожаат қилиб, консерваторлар ҳукуматининг ҳалокатли социал-иқтисодий сиёсатига қарши қатъий кураш бошлаб юборишга даъват этди. Буюк Британия компартияси ижроия комитетининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида партия саноат бўлимининг мудири М. Костелло давлат маблағларининг қисқартирилишига, нарх-навонинг ва ишсизларнинг тўхтовсиз ўсиб бораётганлигига, касаба союзларига зид қонунларни мажбуран қабул қилдириш йўлидаги уринишларга қарши курашиш мақсадида меҳнаткашларнинг ягона фронтини вужудга келтириш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Ж. КАРТЕР СИЁСАТИ ТАНҚИД ҚИЛИНМОҚДА

ВАШИНГТОН, 11 март. (ТАСС). Ж. Картер маъмуриятининг халқаро кескинликни кучайтириш, урушга зўр бериб тайёргарлик кўришдан иборат йўлига қарши АҚШда оппозиция кучаймоқда. Ўз номзодини президент лавозимига республикачилар партиясидан кўрсатган конгресс аъзоси Ж. Андерсон Оқ уйнинг ташқи сиёсатини қаттиқ танқид қилди.

Ж. Андерсон Америка телевиденеси орқали сўзлаган нутқида маъмуриятнинг сўнгги урушқоқлик ҳаракатларини «ҳаддан ташқари» деб таъриплади. Оқ уй ўзининг бу ҳаракатларини Афғонистон ва Эрондаги воқеалар билан оқлашга уринмоқда. Конгресс аъзоси АҚШнинг Яқин Шарқдаги нефтни қўлга олишни таъминлаш мақсадида ҳарбий кўч ишлатиш билан дўқ-пўписа қилганлигини кечирилмайдиган иш деб таъкидлади.

Ж. Андерсон СҚЧ-2 шартномасини тезроқ ратификация қилиш зарур, деб ҳисоблаганлигини айтди.



АНҒОЛА пахтачилиги тарихида биринчи марта ҳосил машинада терилмоқда. Ўзбекистонлик мутахассислар ёрдамида Жанубий Кванза вилоятида ташкил қилинган «Ипомбо» давлат хўжалиги даласига дастлабки «зангори кема» чиқди. 1000 гектарга яқин майдонда ана шу Африка мамлакатида ҳали кўрилмаган миқдорда пахта ҳосили етиштирилди. «Тошкент-1» ва «108-Ф» навлари экилган ана шу майдонларда гектаридан 50 центнергача ҳосил олинди. Республикамиз мутахассислари Анголада сугориладиган ерларда шу пайтгача маълум бўлмаган пахта етиштириш агротехникасини ўзлаштаришда анголалик ўртоқларга устозлик қилдилар. Ҳозир Ангола Халқ Республикасида пахта йиғим-терими авжида. Бу ерда пахта бир йилда икки марта пишиб етилади. Суратларда: дастлабки «зангори кема» Анголадаги «Ипомбо» давлат хўжалиги даласида; совет мутахассислари анголаликларни пахтани қоп-қанорсиз теришнинг усулини ўргатмоқдалар.

С. Фролова фотоси.
(ТАСС).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ

ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ДЕҲҚОНЛАР БУЮРТМАСИ БИЛАН

ТОШКЕНТДАГИ пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасида янги ишлаб чиқариш корпуси фойдаланишга топширилди. Бу ерда бўлғори этик тайёрлайдиган цех жойлашди. Чўпонлар, деҳқонлар, чорвачилик фермаларининг меҳнаткашлари орасида бу молга талабгорлар кўп. Энди тошкентлик пойафзалчилар бундай этик тайёрлашни бир ярим баравар кўпайтириш, сифатини яхшилаш имкониятига эга бўлдилар.

Янги кенг бинода яқин фурсатда болалар сандали тайёрлайдиган цех ҳам жойлашади. Сандаллар янги технология қўлланган серунум конвейер линиясида тайёрланади. Бундай линиядан тушган сандал кўркам ва кўпга чидайдиган бўлади.

Ярим йилдан сўнг лойиҳадаги қувватга эришилгач, янги корпуснинг конвейерлари бир йилда 500 минг жуфт пойафзал тикиб бера олади.

●

МАКТАБ ПРОГРАММАСИДА РАДИОЭЛЕКТРОНИКА

ТОШКЕНТДАГИ 101-мактаб жадвалида янги предмет—радио электроника фани пайдо бўлди. Унинг назарий ва амалий машғулотлари учун 9—10-синф ўқувчиларига ҳар ҳафта олти соат ажратилмоқда. Мактабда махсус кабинет жиҳозланган бўлиб, у ерда болалар радиоаппаратнинг тузилишини ўрганмоқдалар, ўз передатчиклари, кучайтиргич аппаратларини тайёрламоқдалар.

Бу йил шу мактабни битириб чиққан 17 бола илк бор етуклик аттестати билан бирга лаборантлик гувоҳномасини ҳам олди.

●

ЭНГ ЯХШИ ТОКАРЬ

Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводида ёш токарлар касб маҳорати конкурси ўтказилди. Механика ва асбоб-ускуна цехларининг станокчилари «куч синашиб», ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Асбоб-ускуна цехининг ўн саккиз яшар ишчиси Равиль Мухамедшин беллашувлар программасини ҳаммадан яхши бажарди. Металлистлардан Григорий Трегуб ва Фарҳод Чорневлар иккинчи ва учинчи ўринларни бўлишиб олдилар.

●

ЭСДАЛИК МЕДАЛИ ВА ДИПЛОМЛАР

Табобат илмининг буюк бобокалони Абу Али ибн Синонинг минг йиллиги билан боғлиқ қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Олим ҳақида ёзилган илмий монографиялар босмага берилди.

Юбилей муносабати билан эсдалик медали ҳам таъсис этилди. Унинг эскизи юбилейни ўтказиш ташкилий комитети томонидан маъқулланди. Шунингдек, фахрий диплом намунаси тайёрланди.

Республикамиздаги медицина ва фармацевтика олий ўқув юртларида қимматли тадқиқотлар олиб борган студент ва ўқитувчилар шу диплом билан тақдирланадилар.

ҲАЁТ ТАБАССУМИ

ЭНДИГИНА ёруғ дунёга келиб, ҳали тили чиқиб улгурмаган, тетапоя бўлмаган, факат... жилмайишни, покиза, беғубор жилмайишнигина биладиган гўдак операция столида... Ҳар бир одамнинг этини жунжитади бу воқеа. Бироқ, ишга киришаётган жарроҳнинг нигоҳида хотиржамлик, совуққонлик. Лекин у, Ҳожимурод ака ҳам тиғни баданга олиб борганда бир сескангандек бўлди. Аслида эса қўрқув ёки ҳаяжондан сесканмади, ўзини янада хушёрликка даъват этди у. Бу унинг минглаб операцияларининг навбатдагиси бўлса ҳам, барибир, инсон, митти бир одам ҳаёти олдидаги масъуллиятни, посбонликни ҳис этиш туйғуси яна бир маротаба вужудида «ярқ» этиб ўзини эслатиб ўтди...

Операция анча мураккаб эди. Пойтахтнинг «Қорасув» массивида истиқомат қилувчи Халатковлар оиласида дунёга келган жажжи Антоннинг ичаги бир-бирига чалкашиб қолган Бу нотўғри овқатлантиришнинг оқибати. Беш ойлик болага онаси каша едирган...

Чақалоқнинг қорни очилиб, тажрибали жарроҳнинг сехрли бармоқлари билан ичак жой-жойига қўйилиб, кесилган ер тикилди. Операция қанчалик мураккаб бўлмасин, йигирма минутга ҳам бормади.

— Бўпти, кетаверинглар,— деди Ҳожимурод ака қабулхонада кутиб ўтирган ота-онага.

— Нега, операция қилиб бўлмайдими?—уларнинг мунгли овозида қўрқув аломати акс этиб турарди.

— Бўлди, ичагини тўғрилаб қўйдим,—хирург жилмайди,— хотиржам кетаверинглар. Антонни ўн кундан кейин соппасоғ олиб кетасиз.

— Наҳотки... Ростданми...— она қулоқларига ишонгиси келмасди. Ахир ўғли уч кундан бери кўкрак ҳам олмай чирилладаб йиғлаб, тинка-мадори қуриб бўлган эди-да...

— Бизда ёлғон гап бўлмайди,— кулиб унинг кўнглини кўтарди хирург,— сизларга жавоб, хайр.

У кабинетига кириб диванга оғир чўкди-да, чуқур тин олди. Ҳар оғир операциядан кейин шундай, беш-ўн минут ҳордиқ чиқаради. Чунки асаблар, диққат-эътибор таранг тортилиб, операция тугагач вужуди сал бўшашади.

Лекин ҳозир дам ололмади. Энага эшикни очиб, қабулхонада уни бир йигит йўқлаётганини айтди. Ноилож ўрнидан турди. Чиқса, рўпарасида чиройли гулдаста кўтариб Дилмурод турибди.

— Ассаломуалайкум,— йигит пешвоз келиб қўлини маҳкам қисди, бир дақиқа жилмайганича кўзларига тикилиб турди. Шу онда Дилмуроднинг қалб миннатдорчилигини кўзлари ифода этмоқда эди.— Табриклайман.

— Раҳмат, раҳмат,— Ҳожимурод ака ҳам унга бир нафас синчков қаради,— нима қилардинг овора бўлиб.

— ووораси йўқ домла, Мен соғайиб кетсам сизга бир умр гул совға қиламан деб ният қилгандим. Сизга ҳавас билан касбингизни эгаллаяпман. Бундан саккиз йил аввал ҳалоскорим бўлсангиз, энди «заочний» домлам ҳамсиз.

Дилмурод билан Ҳожимурод ака бу гапдан заҳ билан кулишди.

Дилмурод Эргашев ўн икки ёшида остеомиелит билан оғриб бу ерга — Тошкентдаги 14-болалар касалхонасига келди. Остеомиелит, врачлар тили билан айтганда, жуда маккор касаллик. У кўпинча фақат бир марта операция қилиш билан тузалиб кетавермайди, узоқ муддат, йиллаб даволанади. Дилмурод мана шу дардга мубтало бўлган эди.

Бу касаллик авжига чиққан —ўткир даврида операциясиз ҳам даволаш усули бор. Суякни тешиш йўли билан илик тозаланади, яъни, касаллик ўчоғида тўпланган йиринг олиб ташланиб, кейин антибиотиклар билан укол қилинади. Ҳожимурод Баҳромжонов тажрибасида кўп қўллаган бу усулдан Дилмуродни даволашда ҳам фойдаланди. Дилмурод касалхонада икки ой ётди, уч йилгача вақти-вақти билан келиб, шифокор назоратидан ўтиб турди. Ана шу шифокор — Ҳожимурод Баҳромжонов эди.

Дилмурод ўшанда, оғир дарддан фориғ бўлганда шифокор бўлишни орзу қилган эди. У орзусига эришяпти, ҳозир ТошМининг юқори курсида ўқимоқда. Бўлмаса, оиласида врач йўқ, онаси Ойша Тўраева Низомий номли Тошкент давлат Педагогика институтида муаллима, филология фанлари кандидати.

Ҳожимурод ака Дилмурод билан хайрлашиб, икки-учта палаталарга кириб чиқди. У операциядан кейинги чарчоқни унутган, дилхуш суқбат билан ҳордиқ чиқарган эди. Операцияга тайёрланаётган ва операциядан чиққан беш-олти бемор болаларнинг аҳволи билан танишиб, хонасига қайтди. Столи устида уч-тўртта открткалар пайдо бўлиб қолибди. Биттасини олиб ўқий бошлади.

«Азизим Ҳожимурод Абдураҳимович! Сизни аввало қизим Надежда номидан, кейин оиламиз номидан байрам билан табриклаймиз. Оғир ва шарафли ишингизда янада улкан муваффақиятлар ва самовий саломатлик тилайман! Эҳтиром билан: учувчи В. Каргин».

Ҳожимурод ака мийиғида жилмайиб қўйди. Чунки, Надежданинг ота-онасини қойилганида уларнинг хафа бўлгани ёдига тушди. Икки ёшли қизалоқ остеомиелит билан оғриб, операциядан яхши чиққан эди. Соғайиб уйига кетди. Орадан уч ой ўтгач отаси уни яна олиб келди. Қайталабди. Жарроҳ қайталашнинг сабабини билиш учун беморни атрофлича текширди, кейин отасидан сўради:

— Қанақа даво қилган эдинглар?

Ота ҳақига кўчиб қўяқолди:

— Дам олишга Киевга, қариндошларникига борган эдик. Зўр табиб бор экан, кўрсатсак, кўлвор илонни едиринг, деди...

Ҳожимурод аканинг жаҳли чиқиб кетди, одобдан бўлмаса ҳам, беихтиёр қаттиқроқ гапирворди:

— Саводли, тушунган одам бўлиб туриб шу ишни қилдингизми. Топган табибингизни қаранг-у. Тўғри, кўлвор илон дори, лекин мутлақо бу касаллик учун эмас...

Надеждани иккинчи марта операция қилди. У ҳам муваффақиятли чиқди, касал бошқа қайталамади. Мана, орадан уч йилча ўтди...

У кейинги открткани қўлига олиб, имзосига қаради-ю, чеҳраси ёришиб кетди. Хуснихати таниш эди. Бу табрик 11 ёшида бу ерда даволанган, ҳозир Тошкентдаги музика мактабини битираётган ва... ҳар байрамда открткa билан шифокорини эсга оладиган Нигорадан эди.

Мана бу, йирик ҳарфлари ағдарилиб кетаётган ёзувни эса танимади. Имзосини кўргач, ҳайрон бўлди: «Абдувоҳид мактабга борадиган бўлиб қолибдими. Ҳа, дарвоқе, тўққиз ёшга тўлибди-ку. Вақтнинг ўтишини...».

Абдувоҳид Абдусаматовни олти ойлигида операция қилган. Бешикда урилиб, иккала болдир суяги синган эди. Узоқ даволанди, юрадиган бўлиб касалхонадан чиқиб кетди.

Ҳожимурод Баҳромжоновнинг жарроҳ-шифокорлик фаолиятида бундай мисоллар юзлаб, минглаб... У йигирма бир йилдан буён бу касбни шарафлаб, болаларга ҳаёт, ота-оналарга бир жаҳон шодлик ҳадя этиб келмоқда. ТошМИни 1959 йилда тугатгач уч йил Шаҳрисабз район касалхонасида хирург бўлиб ишлаб келди. Кейин мана шу 14-болалар шифохонасига врач бўлиб ишга жойлашди. Сўнг, олти йил учинчи, бир йил биринчи хирургия бўлимларини бошқарди. Тўрт йилдан буён эса 2-хирургия мудири вазифасида ишлаб келмоқда. Бу бўлимда тез операция қилишга муҳтож касалликлар — кўричак, таносил аъзолари касаллиги, аъзосида бирон камчилик билан туғилган чақалоқни даволашга хирургик аралашув каби шифолар амалга оширилади. Моҳир, тажрибали хирург раҳбарлик қилаётган бўлим коллективи ўз зиммаларидаги вазифа ва бурчни сидқидилдан бажараётганлари таклиф ва мулоҳазалар дафтаридаги кўплаб раҳматномаларда ҳам яққол акс этган. Жарроҳ кабинетидаги гулдонда бир даста гул. Бу гулларни собиқ беморлар совға қилиб кетишди. Шифокор эса бир пайтлар уларга ҳаёт баҳш этган эди. Ҳожимурод ака ўзича жилмайиб гулдастага тикилиб қолди. Ана, гуллар унга табассум қиляпти, ҳаёт табассум қилмоқда.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

Суратда: Ҳ. Баҳромжонов бемор боланинг шикастланган қўлини кўздан кечиряпти.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

ҚАЛДИРҒОЧЛАР ҚАНОТ ҚОҚДИ

БУНДАН уч йил муқаддам Тошкент маданий-оқартув техникуми ўқув программасига кино-фото ҳаваскорлари раҳбарлари мутахассислиги ҳам киритилган эди. Бу соҳа кадрларини тайёрлаш Ўрта Осиёда биринчи бўлиб мазкур даргоҳда йўлга қўйилди.

Техникумнинг кино-фото ҳаваскорлиги бўлими томонидан амалга оширилган бу янгилик кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Ўша йили кино-фотога қизиқувчи ўнинчи синфни битирган ёшлардан бир группаси конкурс билан ўқишга қабул қилинди.

Тўғри, бўлимнинг ўқув-моддий базаси унча бой эмасди. Кейинчалик тегишли хоналар, кабинет ва лабораториялар жиҳозланиб, кино-фото аппаратлар билан таъминланди. Педагогларнинг изланишлари ва ва жонбозликлари туфайли яна бир қатор қулайликлар муҳайё этилди.

Талабаларнинг ижодкорлиги авж олиб кетди. Шаҳар ва район миқёсида фотоконкурслар, фотовиставкалар ташкил этилди. «Совет маданиятининг асослари», «Кино ва телевиденне драматургияси», «Фильм режиссураси», «Операторлик маҳорати», «Фотокомпозиция» деган мавзуларда мазмунли машғулотлар олиб борилди.

Техника воситаларини қўллаш методларини ўзлаштириш, кинооператорлик маҳорати асосларини, фото, товуш техникаси кинопроекцион техникасини пухта ўргатиш янги бўлим олдида турган асосий вазифа эди. Буни қатор курс ишлари билан қўшиб олиб боришга тўғри келди. Натижада ўқувчиларнинг кинооператорлик, фотосурат олиш маҳоратлари анча ошди.

Дипломантлар давлат имтиҳонларига ўзларининг қисқа метражли рангли фильмларини тайёрлашди. «Бахтли болалармиз», «Ҳосил-79», «Меҳнат кишилари», «Қишлоқ ҳаёти», «Кекса мисгар» каби рангли қисқа метражли фильмлар кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортди. Давлат имтиҳон комиссияси (раиси киносанъаткор Бори Хўжаев) Б. Сапаев, Г. Атамуродов, С. Кургаева каби истеъдодли ёшлар яратган фильмларга юқори баҳо берди.

Дипломантларнинг айрим ишлари эса киноҳаваскорлар фестивалида дипломлар билан тақдирланди. Қатор фильмлар Жиззах шаҳрида ўтказилган республика кино ҳаваскорлари конкурсига юборилди.

Техникум яқинда кино-фото ҳаваскорлари раҳбарларининг биринчи группасини учирма қилди. Бу ёш мутахассислар республикамизнинг маданий-оқартув муассасаларида ишлаш учун жўнаб кетдилар.

Р. ФАХРУДДИНОВ,
Тошкент маданий-оқартув техникуми директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари.

Чирчиқдаги 9-ўрта мактабда ташкил этилган Жанговар ва меҳнат шуҳрати музейига бой материал тўпланган. Ўқувчилар кучи билан ташкил этилган музей экспонатлари Улуғ Ватан урушн фронтларида ҳамюртларимиз кўрсатган жасорат ҳақида ҳикоя қилади. Суратда: уруш ветерани Р. Н. Чирков музейда мактаб ўқувчилари билан суҳбат ўтказаётир.

А. Сидякин фотоси. [ЎзТАГ].

ЮБИЛЕЙГА ТАЙЁРГАРЛИК

ТОШКЕНТДАГИ Охунбобоев номли ёш томошабинлар театри ярим асрлик ижодий йўлини босиб ўтди. Ҳозир маданият масканида ана шу санани муносиб нишонлаш учун қизғин тайёргарлик бормоқда.

Ўзбекистон ЛКСМ мукофотининг лауреати бўлган театр коллективи республикамиз шаҳар ва қишлоқларига тез-тез чиқиб, ўз маҳоратларини намойиш қилмоқда. Ҳар йили пахта йиғим-теримн кампанияси бошланганда театр труппаси қишлоқ хўжалик меҳнаткашларн ҳузурига ташриф буюради.

Баҳор келиши билан «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамиятининг аъзолари Тошкент анҳорида ўз машғулотларини бошлаб юборди лар. Суратда: эшкак эшувчилар машғулоти.

М. Нуриддинов фотоси.



Спорт

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ФУТБОЛ. СССР кубоги учун ўтказилаётган мусобақаларнинг дастлабки босқичи тугади. Нимчорак финалда иштирок этадиган 16 команда маълум бўлди. Навбатдаги босқич ўйинлари 15 март куни бўлиб ўтади. Унда «Пахтакор» ўз майдонида Бокунинг «Нефтчи» коллективини қабул қилади.

Нимчорак финалда қуйидаги командалар ўзаро куч синашишади (Майдон эгалари биринчи қайд қилинган): «Торпедо» (М) — «Факель» (Воронеж), «Шахтёр» — СКА (Р), «Динамо» (К) — «Қайрат», «Таврия» —«Динамо» (Тб), «Динамо» (М) —«Динамо» (Мн), «Арарат» — «Нистру», ЦСКА — «Спартак».

СТОЛ ТЕННИСИ. Республика шахсий-команда биринчилиги учун стол тенниси бўйича Тошкентда ўтказилган мусобақалар ниҳоясига етди. Бунда 80 дан ортиқ ёш спортчилар ўзаро куч синашишди. Тошкентлик спартакчи Александр Бороженнинг ва андижонлик теннисчи Татьяна Саранова мусобақа ғолиблари деб топилдилар. Умумкоманда ҳисобида «Ёш куч», «Спартак», «Локомотив» кўнгилли спорт жамиятлари дастлабки уч ўринни эгаллашди.

Мусобақа якунларига кўра республика терма командаси аниқланди. Бу состав 24—30 март кунлари Орёл шаҳрида ўтказиладиган Бутуниттифоқ мусобақаларида республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилади.

ШАШКА. Рус шашкаси бўйича эркаклар ўртасида 39-республика чемпионати давом этаётир. Тўрт турдан сўнг тошкентлик спорт мастерлари Игорь Фридман ва Виталий Дорфманлар пешқадамлик қилишмоқда. Улар тўрт имкониятдан уч очко туплашган. Бугун бешинчи тур ўйинлари ўтказилади.

ЧАВАНДОЗЛИК. СССР кубоги учун ўтказилган мусобақаларда тошкентлик спартакчи Юрий Ковшов юксак маҳорат намойиш қилди. У Москвада ўтказилган чавандозлар мусобақасида фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

ЧИМ УСТИДА ХОККЕИ. Бир неча кун давомида Самарқанд стадионлари спорт ихлосмандлари билан гавжум бўлиб турди. Бу ерда чим устида хоккей бўйича олий лига командаларининг Бутуниттифоқ турнири бўлиб ўтди. Бу турнир СССР чемпионати олдидан ўзига хос репетиция эди.

Мусобақаларда иттифоқимизнинг энг кучли 6 команда ништирок этди. Ҳамжиҳатлик билан ўйин кўрсатган Свердловск армиячилари бош совринни қўлга киритдилар. Олмаотанинг «Динамо», Боқунинг «Буревестник» командалари иккинчи-учинчи ўринларни эгаллашди. Андижонлик хоккейчилар эса бешинчи ўрин билан кифояландилар.

[«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 14 мартда чиқади].

Редактор ўринбосари
С. МУСАЕВ.

Реклама ва эълонлар

Тошкент давлат циркида
МОСКВА КАТТА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ
ПРОГРАММАДА:
«ШЕРЛАР ОРАСИДА»
(Бербер шерлари)
ЙИРИК СОВЕТ АТТРАКЦИОНИ
Ургатувчи — цирк санъатининг Бутуниттифоқ кўриги лауреати ва Бутуниттифоқ конкурсининг дипломанти Борис БИРЮКОВ.
РСФСРда ва Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист Эрбек КАНТЕМИРОВ раҳбарлигидаги
«АЛИБЕК»
ОСЕТИЯ ЙИГИТЛАРИ АТТРАКЦИОНИ
Паузаларда — янги репризлар, масхарабозликлар, интермедияларнинг ижрочиси, масхарабоз— Мим, Арманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Вилен Меликжаняннинг чиқишлари.
Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 да ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.
КАССА СОАТ 10.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.
44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

«СРЕДАЗТЕПЛОМОНТАЖ» трестининг
ЎҚУВ ПУНКТИ
футеровкачи-кислотаупорчи ва термоизоляция бўйича изолировкачиларни тайёрлайдиган
3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Курсларга 18 ва ундан катта ёшдагилар ҳамда Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтган 8—10-синф ҳажмида маълумотлилар қабул қилинади.
Ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.
Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.
Ўқишни тугатганларга разряд берилади ва улар «Монтажхимзащита» Тошкент бошқармаси системасида иш билан таъминланадилар.
МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.
Мурожаат учун адрес: 700031, Тошкент шаҳри, Шпильков кўчаси, 3-уй, кадрлар бўлими (7, 8, 10, 11, 13, 22, 25-трамвайларнинг «Марказий бозор» бекати). Телефон: 56-45-46.

Қолхозчилар, совхоз ишчилари ва фуқаролар
ДИҚҚАТИГА
область матлубот кооперациясининг
ТАЙЁРЛОВ КОНТОРАЛАРИ
мева-сабзавотчилик маҳсулотлари, полиз экинлари ва чорвачилик хом ашёларини қабул қилиш бўйича
ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШГА КИРИШДИЛАР.
Маҳсулотларни топширувчи шахсларга юмшоқ ва яшчик таралар берилади ва зарурат туғилганда шартномада келишилган сумманинг 25 процентигача бўлган қисми олдиндан аванс тариқасида тўланади.
Районлардаги тайёрлов конторалари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёларини топшириш учун шартнома тузинг!
МАТЛУБОТ КООПЕРАЦИЯСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Тошкент область матлубот союзининг тайёрлов бошқармаси.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Фил ва арқон. Бадиий фильм. 10.50 — Киносаёҳатчилар клуби. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Меҳнатинг-иқболинг. 16.00 —Звездочка. 16.45 — Горнчилар, қадрдасим! 17.15 — Рус тили. 17.45 — Ёшлар адреслари. 18.45 — Фан оламида. 19.15— Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 19.45 — Беш йиллик байроқдорлари. 20.00 —Ишонч. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Нежданова кўчасида. Танаффус пайтида дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 —Телефильм. 12.30 — Атом тузилиши. 13.00 — Генерал Раҳимов. Бадиий фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида. 19.00 — Иқтисод ва тежамкорлик учун. 19.30 — Ахборот. 19.45— Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллигига. 20.15 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Қўзғалиш кампанияси — масъулиятли даврр. 22.20 — Тихомировнинг фожиаси. Бадиий фильм.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Эстетика асослари. 21.05 — Ота-оналар учун консультация. 21.35 — Назарий механика. 22.35 — Ҳужжатли фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/III да Соқов рицарь. 13/III да Истеҳком.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/III да Зеби-Зебона, 13/III да Чоллар ва кампирлар.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/III да Бад-башара ёхуд Эзоп.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва катта цирки артистларининг гастроллари (19.30).

Тошкент область суди маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари область судининг аъзоси ў. Исломовга укаси
Тўхтапўлат ИСЛОМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси коллективи газетанинг бўлим мудири Н. Эгамназаровга укаси Султон ЭГАМНАЗАРОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41. Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик —325733; маданият — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 01851. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1561. 14